

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

И.М. Алимардонов,
Тошкент молия институти профессори, и.ф.д.

Ш.Т. Ибодуллаев,
Тошкент молия институти талабаси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-1-7>

МАМЛАКАТ БАНКЛАРИ АМАЛИЁТИГА ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: инновацион маҳсулотларни тижорат банклари амалиётига жорий этиш уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат банкларини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказишни таъминлаш вазифаси қўйилган[1].

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалиётига инновацион маҳсулотларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тижорат банки, инновацион маҳсулот, овердрафт, контокоррент, факторинг, форфейтинг, пластик карта, фоиз ставкаси, тўловлар кетма-кетлиги.

И.М. Алимардонов,
профессор Ташкентского финансового института, д.э.н.

Ш.Т. Ибодуллаев,
студент Ташкентского финансового института

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОДУКТОВ В ПРАКТИКЕ ОТЕЧЕСТВЕННЫХ БАНКОВ

Аннотация: внедрение инновационных продуктов в практике коммерческих банков является одним из обязательных условий обеспечения их конкурентоспособности. Поэтому в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена задача обеспечить перевод отечественных банков инновационному пути развития.

В статье выявлены проблемы, связанных с внедрением инновационных продуктов в практике коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, инновационный продукт, овердрафт, контокоррент, факторинг, форфейтинг, пластиковая карта, процентная ставка, очередность платежей.

I.M.Alimardonov,
Professor of Tashkent Financial Institute,
Doctor of Economics

Sh.T.Ibodullayev,
student of the Tashkent Financial Institute

CURRENT ISSUES OF INTRODUCING INNOVATIVE PRODUCTS IN PRACTICE OF DOMESTIC BANKS

Abstract: The introduction of innovative products in the practice of commercial banks is one of the prerequisites for ensuring their competitiveness. Therefore, the Strategy for Action in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 sets the task of ensuring the transfer of domestic banks to the innovative development path.

The article identifies the problems associated with the introduction of innovative products in the practice of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: commercial bank, innovative product, overdraft, current account, factoring, forfeiting, plastic card, interest rate, payment sequence.

For citation: I.M.Alimardonov, Sh.T.Ibodullayev. CURRENT ISSUES OF INTRODUCING INNOVATIVE PRODUCTS IN PRACTICE OF DOMESTIC BANKS. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 41-47

Кириш

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, мамлакат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш улар фаолиятини ривожлантиришни инновацион йўлга ўтказишни таъминлашни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, банклар амалиётига инновацион маҳсулотларни кенг кўламда жорий этиш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш масаласи ҳал қилинмаган. Бу эса, инновацион маҳсулотларни банклар амалиётига жорий этиш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал этилмаганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев эътироф этганидек, "бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо - улар капиталининг асосий қисми, яъни 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда" [2].

Бу борадаги ана шундай долзарб муаммолардан яна бири бўлиб, бир қатор инновацион кредит маҳсулотларини республикада банклар амалиётига мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Хусусан, овердрафт, контокоррент, форфейтинг каби инновацион кредит маҳсулотлари ҳозирга қадар республикада банклар амалиётига жорий этилган эмас.

Республика банклар амалиётига инновацион маҳсулотларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг зарурлиги ушбу мақола мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Тижорат банклар фаолиятини инновациялар асосида ривожлантириш

масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ҳамда тегишли илмий хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

АҚШнинг Колумбия университети профессори Ф.Мишкин тижорат банкларидаги молиявий инновацияларни тадқиқ қилган ҳолда, шундай хулосага келган: "молиявий муҳитнинг ўзгариши молия муассасаларини фойда олиш имконини берадиган инновацияларни излашга мажбур қилади" [3].

Массачусетс технология институти профессори Э.Гиппелнинг фикрига кўра, банк инновацион маҳсулоти деганда иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларида ишлаб чиқилган янги молиявий инструментлар тушунилади [4].

В.Боровкова ва С. Мурашоваларнинг хулосасига кўра, банк инновацияси деганда янги банк маҳсулоти ёки операцияси шаклида амалга оширилган банк фаолиятининг якуний натижасидир [5].

В. Викуловнинг фикрига кўра, инновацион банк маҳсулоти деганда қуйидаги молиявий маҳсулотлар тушунилади:

- банк томонидан мустақил ишлаб чиқилган ва мижозларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, бозорда ўхшаши бўлмаган ҳар қандай маҳсулот;
- банкда мавжуд бўлган, бозорларнинг бирида фойдаланилаётган, аммо бошқасига чиқарилган ҳар қандай маҳсулот;
- банк томонидан бозорни таҳлил қилиш ва тижорий сотишни баҳолаш натижаси асосида жорий қилинган ҳар қандай маҳсулот [5].

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда статистик гуруҳлаш, анализ ва синтез ҳамда эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилган ҳолда, инновацион банк маҳсулотларини тижорат банклари амалиётига жорий этиш шарт-шароитларига баҳо берилди ҳамда уларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланди.

Илмий мақолани ёзиш жараёнида маълумот манбалари сифатида таниқли иқтисодчи олимларнинг инновацион банк маҳсулотлари хусусидаги илмий-назарий қарашларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотларидан ҳамда тижорат банклари фаолиятига оид бўлган амалий маълумотлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.


Мавзуга оид бўлган адабиётлар таҳлилидан маълум бўлдики, кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан инновацион банк маҳсулоти сифатида тижорат банклари учун янги бўлган молиявий маҳсулот ва мавжуд молиявий маҳсулотнинг такомиллашган кўриниши эътироф этилган. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон тижорат банклари учун инновацион банк маҳсулотлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- пластик карталар;
- банкларнинг ордерли чеклари;
- овердрафт кредити;
- контокоррент кредити;
- форфейтинг;
- синдицияли кредит.

Республикамик амалиётидаги пластик карталарнинг барчаси дебетли пластик карталардир. Кредитли пластик карталар 2019 йилда амалиётга киритилади.

Дебетли пластик карталар эгаларига тижорат банкларида жорий ҳисобрақам очилади. Ушбу ҳисобрақамда мавжуд бўлган пул маблағлари ҳисобидан пластик

карталар орқали тўловлар амалга оширилади. Тижорат банклари белгиланган лимитлар доирасида пластик карталар эгаларига овердрафт кредитлари беришлари мумкин. Овердрафт кредитлари пластик карта эгасининг тижорат банкида очилган жорий ҳисобрақамининг дебетли қолдиғига берилди.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги пластик карталари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси, млрд. сўм [7]

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2016 йилларда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги пластик карталари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш, нақд пулларга бўлган талабни қисқартириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2017 йилда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги пластик карталари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси 2016 йилга нисбатан камайган. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2753 - сонли "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, барча турдги пенсияларни бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пулда берилиши, мамлакатимиз ҳудудларидаги 58 та тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловларни ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пулда берилиши, олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизини нақд пулда берилишини жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2018 йилда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги пластик карталари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси 2017 йилдагига нисбатан сезиларли даражада (20,3%) ўсган. Бу эса, пул муомаласини соғломлаштириш, пластик карталарга асосланган тўлов амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали пластик карталар муомаласи инфратузилмасига баҳо берамиз (1-жадвал).

1-жадвал. Пластик карталар муомаласи инфратузилмасининг ҳолати [8]

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Пластик карталар сони, минг дона	15215	16316	19523	19225	17686
Тўлов терминаллари сони, дона	169181	183060	208536	235712	244913
Банкомат ва инфокиосклар сони, дона	2012	2345	4954	5632	6859

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2014-2016 йилларда республикамиз бўйича муомалага чиқарилган пластик карталар сонини ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, пластик карталардан фойдаланувчилар сонининг тобора ошиб борганлиги билан изоҳланади. Бироқ, 2017 йилда муомала чиқарилган пластик карталар сони 2016 йилга нисбатан камайган. Бу эса, асосан, 2017 йилда пенсияларни тўлиқ нақд пулда берилишини ва талабаларнинг стипендияларини 50 фоизини нақд пулда берилишини жорий этилганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда тўлов терминаллари сони ҳамда банкмат ва инфокиосklar сонининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, пластик карталар муомаласи инфратузилмасини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг амалиётида инновацион кредит маҳсулотлари бўлган контокоррент ва овердрафт кредитлари (юримдик шахслар учун) мавжуд эмас.

Овердрафт кредити мижознинг жорий ҳисобрақамида пул маблағлари етишмай қолганда берилади. Овердрафт кредити таъминланмаган кредит ҳисобланади. Чунки, мижознинг жорий ҳисобрақамида қачон ва қанча суммага пул маблағлари етмай қолишини олдиндан билишнинг иложи йўқ.

Овердрафт кредити юқори рискли кредит бўлганлиги сабабли банкнинг кредит тўловига лаёқатлилик даражаси юқори бўлган мижозларига берилади. Шунингдек, ушбу кредит юқори рискли кредит бўлганлиги сабабли, унинг фоиз ставкаси банкнинг муддатли кредитларининг фоиз ставкаларига нисбатан юқори бўлади.

Кредитлашнинг контокоррент шаклида мижознинг банкдаги жорий ҳисобрақами ёпилади ва унинг ўрнига контокоррент ҳисобрақами очилади.

Кредит олувчининг фаолият йўналишларидан келадиган барча пул маблағлари контокоррент ҳисобрақамининг кредитида, мижознинг барча тўловлари унинг дебетида акс этади.

Контокоррент кредити юқори рискли кредит ҳисобланади ва шу сабабли ушбу кредитлар кредит тўловига лаёқатлилик даражаси юқори бўлган мижозларга берилади.

Контокоррент ҳисобрақамининг дебетли қолдиғи суммасига контокоррент кредити берилади ва мижоз банкка кредит учун фоиз тўлайди. Контокоррент ҳисобрақамининг дебетли қолдиғи учун тижорат банки кредит олувчига фоиз тўлайди.

Республикамиз банклари амалиётида овердрафт ва контокоррент кредитларини жорий қилишга тўқинлик қилаётган асосий омиллар, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Республикамиз амалиётида тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигининг қўлланилаётганлиги.

Тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигида корхоналарнинг қарз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширишда устуворлик уларнинг давлат бюджети олдидаги қарздорлиги бўйича амалга оширадиган тўловларига берилади. Бу эса, овердрафт кредитларининг риск даражасини ошишига хизмат қилади.

2. Мамлакат иқтисодиётида тўловсизлик муаммоси мавжудлиги сабабли корхоналарнинг пул оқимининг заифлиги.

Ўзбекистон Республикаси банкларининг амалиётида форфейтинг кредитларининг мавжуд эмаслиги тижорат векселлари муомаласининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Тижорат векселлари муомаласи республикамизда 1997 йилда тўхтатилган эди. Аммо, ҳозирга қадар тикланмади.

Тижорат банкининг форфейтинг кредити деганда мол етказиб берувчига унинг иштиридаги траттини регресс ҳуқуқсиз сотиб олиш йўли билан бериладиган кредитга айтилади.

Мол етказиб берувчининг банки, траттининг эмитенти, яъни товарни сотиб олувчи тўловга ноқобил бўлиб қолганида, кредит суммасини мол етказиб берувчидан қайтариб олиш ваколатига эга бўлмайди. Натижада тўловни ундириш risks тўлиқ тижорат банкининг зиммасида бўлади.

Республикамизда, юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳисоб-китоб чеклари муомаласи 1996 йилда тўхтатилган эди. Банкларнинг ордерли чеклари эса, мамлакатимиз банк амалиётида умуман мавжуд бўлмаган.

Банкларнинг ордерли чекларининг икки муҳим афзаллиги мавжуд: биринчидан, ордерли чеклар товарларни сотилишини тезлаштиради. Чунки, банкларнинг ордерли чекларида ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фарқли ўларок, товарни сотувчи аккредитив очилишини кутиб ўтирмайди, балки шартномада кўрсатилган муддатда товарни жўнатади. Иккинчидан, банкларнинг ордерли чекларини индоссамент (чекни бошқа шахсга узатиш ҳуқуқини берувчи ёзув) орқали бошқа шахсларга узатиш мумкин. Бу эса, корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорлик миқдорини камайтириш имконини беради.

Синдицияли кредитлар йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Аммо, республикамизда синдицияли кредитлаш амалиёти такомиллашмаган. Бу эса, бир нечта сабаблар билан изоҳланади. Жумладан, республикамизнинг йирик тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлик муаммосининг мавжудлиги Бош банк вазифасини бажарувчи тижорат банкига нисбатан ишончсизликни юзага келтиради. Бундан ташқари, республикамизнинг хўжалик амалиётида тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигининг қўлланилаётганлиги синдицияли кредитларни бериш ва қайтариш жараёнида юзага келадиган рискларнинг даражаларини ошиб кетишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг амалиётига инновацион банк маҳсулотларини кенг қўламда жорий қилишни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Инновацион кредит маҳсулотлари бўлган овердрафт ва контокоррент кредитларини тижорат банклари амалиётига жорий қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- тижорат банкларининг малакали мутахассисларини овердрафт ва контокоррент шакларида кредитлаш амалиёти такомиллашган давлатларга малака ошириш учун жўнатиш лозим (овердрафт шаклида кредитлаш инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда, контокоррент шаклида кредитлаш эса, немис тилида сўзлашувчи мамлакатларда юқори даражада ривожланган);

- мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш йўли билан мамлакат иқтисодиётидаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш зарур (бу эса, корхоналарнинг пул оқими барқарорлигини оширишга хизмат қилади);

- ҳар ойнинг сўнгги иш кунини овердрафт ва контокоррент ҳисобрақамларининг кредитли қолдиққа эга бўлишини таъминлаш тартибини жорий қилиш лозим. Бунинг натижасида, ҳар иккала кредит бўйича қарздорликнинг кейинги ойга ўтиб кетишининг олди олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси хўжалик амалиётига тижорат векселлари муомаласини жорий этиш орқали форфейтинг инновацион маҳсулотини тижорат банкларининг амалиётига жорий этишни таъминлаш лозим.

Форфейтингни тижорат банклари амалиётига жорий этилиши, фикримизча, куйидаги ижобий натижаларни беради:

- корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорликнинг миқдори сезиларли даражада камаяди;

- тижорат банклари юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишади.

Тижорат векселлари регресс ҳуқуқисиз сотиб олинганда, одагда, банкнинг дисконт ставкаси юқори бўлади.

3. Синдицияли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, инвестиция лойиҳаларини синдицияли кредит ҳисобидан молиялаштириш ташаббускори бўладиган йирик тижорат банкларидаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш лозим; иккинчидан, синдицияли кредит олган мижознинг қарз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширишда тўловларнинг календарь кетма-кетлиги принципини қўллаш лозим; учинчидан, банк синдикатини ташкил қилишда Бош банк ва иштирокчи банklar ўртасида тузиладиган Бош битимни ҳуқуқий жиҳатдан мукамал тузилишини таъминлаш лозим. Акс ҳолда, синдицияли кредитни ишлатилишини назорат қилиш, кредитни қайтарилиши жараёнида юзага келадиган рискларни тўғри тақсимлаш каби муҳим масалаларни ҳал қилишда Бош банк билан иштирокчи банklar ўртасида келишмовчиликлар юзага келиши мумкин.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент, 2017. - № 6 (766). - 32-б.

(Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, N UP-4947. On the Strategy of the further development of the Republic of Uzbekistan // The Law of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2017. - No. 6 (766). - 32 p.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2019. - Б. 16.

(The address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the Oliy Majlis. - Tashkent: Uzbekistan, 2019. - 16 p.)

3. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-изд. Пер. с англ. - М.: ООО "И.Д. Вильямс", 2013 - С. 295.

(Mishkin F.S. The economic theory of money, banking and financial markets. 7th ed. Per. from English - M.: ООО "I.D. Williams", 2013 - p. 295.)

4. Кох Л.В. Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инноваций. Дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. - Санкт-Петербург, 2010. - С. 102.

(Koh L.V. Principles and mechanisms to improve the efficiency of banking through the use of innovations. Diss. on the competition uch. Art. Doctor of Economics - St. Petersburg, 2010. - p. 102.)

5. Боровкова В.А., Мурашова С.В. Основы теории финансов и кредита. - СПб.: Питер, 2004. - 224 с. (Borovkova V.A., Murashova S.V. Fundamentals of the theory of finance and credit. - SPb.: Peter, 2004. - 224 p.)

6. Видулов В.С. Инновационная деятельность кредитных организаций// Менеджмент в России и за рубежом. - Москва, 2001. - №. - С. 79-89.

(Vikulov V.S. Innovative activity of credit organizations // Management in Russia and abroad. - Moscow, 2001. - №. - pp. 79-89.)

7. Статистика. Тўлов тизими статистикаси. www.cbu.uz(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки). (Statistics. Payment system statistics. www.cbu.uz (Central Bank of the Republic of Uzbekistan).

8. Статистика. Тўлов тизими статистикаси. www.cbu.uz(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки). (Statistics. Payment system statistics. www.cbu.uz (Central Bank of the Republic of Uzbekistan).